

ISSN 2181-5291

# PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 4, 2019

[www.psixologiyabuxdu.uz](http://www.psixologiyabuxdu.uz)



**Адабиётлар:**

1. Андреева И.Н. Эмоциональный интеллект как феномен современной психологии. Новополецк ПГУ. 2011-20с.
2. Майер, Г. Психология эмоционального мышления / Г. Майер // Хрестоматия по общей психологии. Психология мышления; под ред. Ю.Б. Гиппенрейтер, В.В. Петухова. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1981. – С. 126.
3. Майер, Г. Психология эмоционального мышления / Г. Майер // Хрестоматия по общей психологии. Психология мышления; под ред. Ю.Б. Гиппенрейтер, В.В. Петухова. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1981. – С. 123 – 129.
4. Schachter, S. The interaction of cognitive and physiological determinants of emotional states / S. Schachter // L. Bercowitz (ed.) Advances in experimental social psychology. – N.Y., 1964.
5. Affect, accessibility of material in memory, and behavior: A cognitive loop? / A.M. Isen [et al.] // Journal of Personality and Social Psychology. – 1978. –36. – P. 1-12.
6. Lazarus, R.S. Towards a Cognitive theory of Emotion / R.S. Lazarus, J.R. Averill, M.E. Orton. Arnold M.E. (Eds.). Third International Symposium I n Feeling and emotions. – N.Y.: Acad. Press, 1970.
7. Danes, F. Cognition and emotion in discourse interaction: A preliminary survey of the field / F. Danes // Preprints of the Plenary Session Papers. XIV-th International Congress of linguists organized under the auspices of CIPL. Berlin, 10 – 15 August 1987. – Berlin, 1987. – P. 272 – 291.



*Абдурсуллов Рустам Абдураимович,  
психология фаноари доктори, профессор в.б.*



*Бахромов Отабек Бурхонович,  
мустақил тадқиқотчи, Жиззах давлат педагогика  
институтути.*

**ЁШ СПОРТЧИЛАРНИНГ СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШ  
МОТИВЛАРИ**

**Аннотация:** Тадқиқот натижалари асосида муаллифлар Шарқ яккакураши ва бокс билан шугулланиш, спортнинг маълум йўналишини танлаш сабабларини ўрганади; ўқувчиларнинг қизиқиши ва мотивлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлайди.

**Калим сўзлар:** Шарқ яккакураши, спорт, бокс, қизиқиши, мотив.

**Аннотация:** В статье автор основываясь на результатах исследования, выявляет интересы и мотивы к занятиям восточными единоборствами и боксом, выбору определенного спортивного направления, а также анализирует связь интересов учащихся в спорте с мотивацией.

**Ключевые слова:** восточные единоборства, спорт, бокс, интерес, мотив.

**Abstract:** Based on the results of a test survey, the author identifies interests and motives for practicing martial arts and boxing, choosing a specific sports direction, and analyzes the relationship between the interests of students in sports and motivation.

**Key words:** martial arts, sports, boxing, claims, motivation.

**Мавзунинг долзарблиги:** Фаолият жараёнида қизиқиш ва мотивлар аҳамияти муаммоси олиб борилаётган тадқиқотимиз натижаларида кенг миқёсда очиб берилган [1, 86, 2, 190, 68, 4, 168, 5, 96]. Қизиқиш ва мотивлар фаолиятда эҳтиёжларни қондирувчи усулнинг асоси ҳисобланади. Қизиқиш бу “ўзининг ривожланиш динамикасида қизиқишни уйғотувчи фаолиятни амалга оширувчи эҳтиёж сифатида намоён бўладиган ҳавасга айланиши мумкин” бўлган кўрсаткичдир [1, 87].



Маълумки, қизиқишлар, бевосита бўлиб, объект ўзига тортиши ва объектга нисбатан фаолият мақсадига эришиши воситаси сифатида юзага келади.

Тадқиқотда биз томондан ўқувчиларнинг шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари жараёнида машқларни бажаришга бўлган муносабатларини ўрганишда кузатув ҳамда суҳбат методидан фойдаланилди, кузатув натижалари асосида ўқувчиларга қуйидаги савол билан мурожаат қилинди. Ўқувчи-ларга савол янада тушунарли бўлишини назарда тутиб, жавоб вариантларини ҳам тавсия қилдик. Мақсад ўқувчилар машғулот давомида қайси машқни қизиқиш билан бажаришларини аниқлашдан иборат эди.

Маълумки, бу шуғулланувчиларнинг нафақат ҳиссий қониқишига ёрдам беради, шу билан бирга уларнинг “Мен-концепция”сининг ривожланишига ижобий таъсир ҳам кўрсатади. Айтиш жоизки, мураббий ёки шериги шартли ва эркин жангда бир-бирининг хатоларидан фойдаланиш имкониятини кўлдан чиқармайди. Бу ҳам маълум жиҳатдан шарқ яккакураши ва бокс билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг ҳаракатларидаги фикрлаш ва ўзини тута билишни тарбиялайди. Буларнинг барчаси биргаликда ўз-ўзини назорат қилишга ва тартибга ўргатади.

Жадвалдан ҳам кўришиб турибдики, ўқувчиларнинг индивидуал машқларга, снарядларда бажариладиган машқлар ва бошқаларга муносабатлари юқорида келтирилган машқларга нисбатан бирмунча салбий. Бироқ буни биз шу машқларнинг мазмунидан англаб, бор бўлган снаряд ва воситалар билан боғлиқлигини ҳам кўрсатиб ўтишимиз лозим. Ўқувчилар билан ўтказилган индивидуал суҳбатда улар бу машқларнинг муҳим ва зарурлигини таъкид-ладилар. Бизнинг нуқтаи назаримиз бўйича, буни ўсмирларнинг ёш психологик хусусиятлари ва уларнинг индивидуал-типологик хусусиятлари билан боғлиқ деб айтиш мумкин. Масалан, ўқувчиларнинг мусобақага қизиқишларини ўрганиш жараёнида уларнинг мулоқотга бўлган интилиши, ўзини кўрсатишга бўлган эҳтиёжи ва бошқа ҳолатлари янада кўпроқ намоён бўлди (1-расм).

Шарқ яккакураши ва бокс билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг мусобақага бўлган қизиқишларини аниқлаш ҳамда уларни кузатишимиз, улар билан суҳбат олиб боришимиз натижасида уларнинг қизиқишларини ўргандик. Ўтказилган кузатиш натижаларини таҳлил қилган ҳолда ўқувчиларга қуйидаги савол билан мурожаат қилдик, саволга жавоб беришларини осонлаштириш мақсадида уларга бир нечта жавоб вариантларини тавсия қилдик, ўзларига маъқул бўлган вариантни танлашларига қараб мусобақага бўлган қизиқишларини аниқладик ва уларга буни баён қилдик.

Мусобақа Сиз учун нимаси билан қизиқарли:


- спорт курашининг шиддатлилиги, жанговар ҳолатнинг кўп қирралиги.
- чиройли жангдан (кураш), ҳалол ва мардона курашдан қониқиш ҳосил қилиш.
- муносиб рақиб устидан қозонилган ғалаба шодлиги.

1-расм маълумотларига кўра, “Спорт курашининг кескинлиги, жанговар ҳолатининг ранг-баранглиги” кўпроқ ўқувчи-спортчиларни ўзига жалб қилади. Бизнинг назаримизда шарқ яккакураши ва бокс ўзининг мазмунига кўра ўта мураккабдир, олдиндан башорат қилиб бўлмайди ва унда иштирок этиш катта қониқиш ҳосил қилади, айниқса, ўргатиш машғулотларида сарфланган барча кучларни ишга солиш имконияти яратилганда бу ҳолат яққол кўринади.

Спортчида юқорида қайд этиб ўтилган ҳолатлар, яъни “Чиройли жанг, мардонавор ва адолатли курашдан қониқиш” ҳисси намоён бўлади, бу эса бизнинг бу борадаги фикримизни тасдиқлайди. Шу билан биргаликда “муносиб рақиб устидан ғалаба нашидаси” ҳиссиётининг ҳам ролини камситмоқчи эмасмиз (1-расм).

Шу аснода ўқувчиларни кузатишимиз устида олиб борган тадқиқоти-мизга қисқача тўхталиб ўтамиз. “Чиройли, мардонавор ва адолатли курашдан қониқиш” қизиқишига афзаллик билдирган ўқувчилар жангни бироз қўпол, куч ишлатиш тарзида олиб боришга ҳаракат қилган бўлсалар, “спорт курашининг кескинлиги, жанговар ҳолатнинг ранг-баранглиги” ни афзал кўрган ўқувчилар жангда ўзларини эҳтиёткор ва бироз суст тутдилар. Бир сўз билан айтганда, спортчиларнинг рингда ўзларининг идеал ҳаракатлари ва спортчиларнинг реал имкониятлари ўртасида тафовут борлигини кўрамиз.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари ва психологик-педагогик кузатишлар натижасида юқорида аниқланган мусобақага бўлган ҳиссиётлар ўқувчилар фаолиятнинг турли хил турларига ва шу фаолият жараёнидаги фаоллик даражасига бўлган муносабати хусусиятларини аниқлаб беришини кўришимиз мумкин.



**1-расм. Шарқ яккакураши ва бокс билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг мусобақага қизиқишлари**

Ўқувчиларнинг мусобақага бўлган ҳиссиётларининг тадқиқот натижа-ларини ифодалашда биз уларни яккакураш турлари бўйича алоҳида изоҳламадик, чунки улар ўртасидаги натижалар фарқи унчалик катта эмас. Лекин мотивларни ўрганишда уларнинг натижаларини кенгроқ изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Шу мақсадда махсус тайёрланган анкетадан фойдаландик.

Ҳурматли ўқувчилар!

Анкета саволлари спортнинг маълум, ўзига ёқадиган тури билан шуғулланадиган ўқувчилар мақсадларини аниқлашга ёрдам беради. Шу сабабли анкета саволларига аниқ ва равшан жавоб беришингиз, ўз фикрларингизни тўлиқ баён қилишингизни илтимос қиламиз.

**А Н К Е Т А**

1. Иси ва фамилияси \_\_\_\_\_
2. Ёши \_\_\_\_\_
3. Синфи \_\_\_\_\_
4. Қайси спорт тури билан шуғулланасиз \_\_\_\_\_
5. Неча йилдан бери \_\_\_\_\_
6. Мазкур спорт тури билан шуғулланишингиздан мақсадингиз?
  - 6.1. Ўзимни мустақил ҳаётга тайёрлаш.
  - 6.2. Ўзим, дўстларим ва қариндошларимни ҳимоя қилиш учун.
  - 6.3. Кучли, соғлом ва бақувват бўлиш мақсадида.
  - 6.4. Бошқалардан жисмоний жиҳатдан устун бўлиш учун.
  - 6.5. Тенгдошларимни ўзимга бўйсундириш учун.
  - 6.6. ва бошқалар \_\_\_\_\_

(ёзинг)

7. Нима учун мазкур спорт турини танладингиз?
  - 7.1. Реклама ва ташвиқот натижасида.
  - 7.2. Машхур киноактёрларга ўхшагим келди.
  - 7.3. Ота-онамнинг хоҳиш-истаги билан.



7.4. Ўртоқларимга қизиқиб танладим.

7.5. ва бошқалар \_\_\_\_\_  
(ёзинг)

8. Мазкур спорт турининг машғулоти мазмунига қизиқаман.

8.1. Умумий жисмоний тайёргарлик.

8.2. Техник-тактик усуллари.

8.3. Соғломлаштириш усуллари.

8.4. Жанговорлик усуллари.

8.5. ва бошқалар \_\_\_\_\_

Иштирокингиз учун раҳмат

Анкета ёрдамида ўқувчиларнинг яккакураш турларини танлашида, бу яккакураш тури билан шуғулланишлари, мотивлари ва яккакураш билан шуғулланиш хоҳиши мотиви тадқиқ қилинди.

Бизга яхши маълумки, чет эл психологиясида “субъектнинг ўзини тутиши бир маромда бўлишида мотивнинг бир қанча функцияси ва табиати хусуси-ятлари ажратиб кўрсатилган: мотивнинг ундовчи ва йўналтирилган функциялари” [4,168. 5,96]. Бу эса бизнинг назаримизда инсон феъл-атворини аниқлаш ва ифодалаш учун маълум маънода мувофиқ бўлади.

Чет эл психологларидан фарқли ўлароқ (чунки улар инсон фаолияти контекстидан бироз четга чиқишган), биз ўқувчиларнинг аниқ фаолияти контекстида шарқ яккакураши ва бокс билан шуғулланиш жараёнида олинган натижаларини изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

«Спортчи анкетаси» тўлалигича учта бўлим ва 20 дан ортиқ жавоб-мотивларидан иборат. Бу жавоб мотивларининг ичида “тасодифан машғулоти залига кириб қолдим ва менга шуғулланишни таклиф қилишди, шундан сўнг мунтазам машғулотларга қатнашдим”, “яхши жисмоний ривожланиш ва чиройли тана тузилишига эришиш истаги”, “яхши натижалар учун моддий рағбатлантириш имконияти”, “бошқа шахарларда бўлиш истаги, айниқса, чет элда”, “тенгдошларимни ўзимга бўйсундиришим учун” ва бошқаларни кўриш мумкин. Бироқ бу мотивлар асосан, иккинчи даражали деб белгиланган (ўқувчилар учун муҳимлигига боғлиқ ҳолда) ва паст фоизни (1,5 дан 3 гача) ташкил этди. Шунинг учун ўқувчилар учун етакчи ҳисобланган ва муҳимроқ бўлган мотивларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлди.

Бундан ташқари, анкетада қайд этилмаган жавоб-мотивлар ҳам аниқ-ланди. Бу жавоблар ичида боксчи-ўқувчилар учун кўпроқ қизиқарли бўлган жавобларни кўришимиз мумкин, дзюдочилар, каратэчи ва таэквондочиларда эса битта-иккита жавоблар бор. Боксчиларда куйидаги жавобларни кўриш мумкин: “Руфат Рисқиев, Руслан Чагаев каби таниқли боксчи бўлишни хоҳлардим”, “чемпион бўлиш учун бокс билан шуғулланаман”, “бокс билан фақат эркаклар шуғулланади”, “Ўзбекистон спорт шарафини юқори кўтариш учун”, “юқори натижаларга эришиш учун” ва бошқалар.

Дзюдочи, каратэчи, таэквондочиларнинг жавоблари ичида куйидаги мотивлар бор: “дунёга таниқли бўлиш учун”, “маънавий ва руҳан ривожланиш мақсадида”, “менга бу спорт туридаги қийин машқлар ва оёқда зарба бериш ёқади” ва бошқалар.

Шу билан биргаликда, ёш боксчиларнинг мураббийлари ўз ишларини куйидаги мотивлар билан изоҳлайдилар: “қачон менинг шогирдларим юқори натижани кўрсатсалар, мен жуда фахрланаман”, “мен болаларга бокс сирларини ўргатишни ёқтираман ва уларнинг жангини қизиқиш билан кузатаман” ва ҳоказолар.

Натижалар шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчиларнинг мотивларидаги фарқ спорт турлари ранг-баранглигига қарамай, бир-биридан кўп ҳам фарқ қилмайди, бу эса ўз навбатида ўқувчиларнинг спорт фаолияти ва ўқув жараёни умумий мақсадга қаратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларидан ҳам кўриниб турибдики, ўқувчилар ўртасида “кучли, соғлом ва бакуват бўлиш” мотиви 37-90 % ни ташкил қилади. Худди шу мотив бокс-чиларда 90% ни ташкил этди. Ёки бошқа мотив “ўртоқларимни қизиқтириши ва ундаши” миллий кураш билан шуғулланувчи ўқувчиларда 55 % ни, боксчиларда 80, каратэчиларда 75, таэквондочиларда 23,1, дзюдочиларда 33,3 % ни ташкил этди.

Шарқ яккакураши ва бокс машғулоти билан шуғулланувчи ўқувчилар мотив ва қизиқишларининг қисқача изоҳи шундан иборат. Уларнинг тўлиқ изоҳи ўқувчиларнинг индивидуал-типологик, шахс сифатларини ўрганиш контекстида амалга оширилади.

#### Адабиётлар:

1. Палайма Ю.Ю. Опыт исследования относительной силы мотива и формирование соревновательной установки спортсменов. // В кн. П.А. Рудика и др. "Психология и современный спорт". – М.: ФИС. 1973. – С.86.
2. Черникова О.А. Психологические особенности спортивных эмоций. // В кн. П.А. Рудика и др. "Психология и современный спорт". – М.: ФИС. 1973. – С.190-206.
3. Асеев В.Г. Проблема мотивации и личность. В сб. "Теоретические проблемы психологии личности". – М.: Наука. 1994. – С. 68-76.
4. Джидарьян И.А. О месте потребностей, эмоций и чувств в мотивации личности. Теоретические проблемы психологии личности. – М.: Наука. 1974. 168 с.
5. Павлютенков Е. Формирование мотивов выбора профессии. Под ред. Б.А. Федорина. - Киев.: Радянська школа. 1980. 96с.
6. Леонтьев А.Н. Потребность, мотивы, эмоции. – М.: МГУ. 1971.



*Мухамеджанова Ситорабегим Джамолитдиновна,  
Бухоро муҳандислик-технология институти  
Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси*

#### ТАЛАБАЛАРДА КОММУНИКАТИВ МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада коммуникатив маданиятнинг психологик омиллари аниқланган ва улар талабалардан олинган сўровнома натижалари асосида таҳлил қилиб чиқилган.

**Калим сўзлар:** коммуникация, маданият, коммуникатив маданият, психология, фикр, мулоқот, нутқ, таълим – тарбия, ривожланиш, ўқув жараёни, мотивация.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются психологические особенности коммуникативной культуры и также были проанализированы результаты опроса студентов.

**Ключевые слова:** коммуникация, культура, коммуникативная культура, психология, идеи, общение, речь, образование, развитие, процесс обучения, мотивация.

**Abstract:** This article discusses the psychological characteristics of communicative culture. The results of the students' questionnaires were also analyzed.


**Key words:** communication, culture, communicative culture, psychology, idea, speech, education, development, educational process, motivation.

**Мавзунинг долзарблиги:** Малакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитларида таълимнинг замонавий тенденциялари инсоннинг коммуникатив қобилиятларини кучайтиришдан, касбий малака ва касбий ҳаракатчанликнинг оширилиши талабини шакллантиришдан, шунингдек инсонда умуминсоний қадриятларга содиқ маданиятни тарбиялашдан иборат.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди. Яъни, ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини

## ОАК ХАБАРЛАРИ

## (ҚУТЛОВ)

**Абдурасулов Рустам  
Абдураимович**

Абдурасулов Рустам  
Абдураимович 1962 йилда Жиззах  
туманидаги Жиззахлик  
маҳалласида туғилган. 1997 йилда  
Тошкент давлат педагогика  
институтининг (ҳозирги Тошкент  
давлат педагогика университети)

ҳузуридаги психология фанлари бўйича ихтисослашган Илмий кенгашда номзодлик диссертациясини, 2018 йилда Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Dsc27.06.2017.Psi.01.07 рақамли Илмий кенгашда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган, психология фанлари доктори.

Жиззах давлат педагогика институтининг Педагогика-психология кафедраси профессори в.б. лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Журнал таҳририяти



	defects (cerebral palsy)
41	<b>Қаюмов И.Ф.</b>
	<i>Кичик ёшдаги ўқувчиларда мусиқий қобилиятларни ривожлантиришнинг психологик имкониятлари</i>
	<i>Psychological possibilities of developing musical skills in younger students</i>
46	<b>Инагамова Л.У.</b>
	<i>Бошқарув фаолиятида кейс-стади методидан фойдаланишнинг хориж тажрибаси (россия мисолида)</i>
	<i>Foreign experience of using case study method in management (Russian example)</i>
54	<b>Раҳмонова З.Н.</b>
	<i>Хориж психологиясида "эмоционал интеллект" тушунчасининг шаклланиши</i>
	<i>Formation of the concept of "emotional intelligence" in foreign psychology</i>
58	<b>Абдурсулов Р.А., Бахромов О.Б.</b>
	<i>Ёш спортчиларнинг спорт машғулотларига бўлган қизиқишлари ва мотивлари</i>
	<i>Interests and motivations of young athletes in sports</i>
62	<b>Мухамеджанова С. Д.</b>
	<i>Талабаларда коммуникатив маданиятни ривожлантиришнинг психологик омиллари</i>
	<i>Psychological factors of development of communicative culture in students</i>
67	<b>Назаров А.М., Рустамов Ш.Ш.</b>
	<i>Анализ психологических данных с помощью программы spss</i>
	<i>Analysis of psychological data using spss</i>
73	<b>Каримов Б.Ш.</b>
	<i>Оилада меҳр туйғусини шакллантиришнинг ижтимоий – психологик механизмлари</i>
	<i>Socio-psychological mechanisms of forming feelings in the family</i>
81	<b>Содиқова Г.О.</b>
	<i>Ўсмирлик даврида мустақил қарор қабул қилишнинг психологик ўрганилганлик ҳолати</i>
	<i>The state of psychological learning of independent decision-making in adolescence</i>
84	<b>Узоқов А.М.</b>
	<i>Олий таълим муассасалари талабаларининг ватанпарварлик даражасини баҳолаш модели</i>
	<i>Model of Patriotic Assessment of Higher Education Students</i>